



Distinctive features of conducting investigative actions in smuggling cases

Shukhrat MAMATOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2025

Received in revised form

5 October 2025

Accepted 10 November 2025

Available online

25 November 2025

Keywords:

Smuggling,
pre-investigation checks,
detention,
peer,
examination,
personal search,
excavation,
investigative actions.

ABSTRACT

The article addresses the pressing issue of combating smuggling, presenting scholars' perspectives on the matter. It discusses ongoing efforts to detect smuggling activities and describes investigative procedures carried out during pre-trial inquiries into smuggling offenses. The piece also examines the procedural status of individuals involved in these pre-trial investigations. Additionally, the article offers relevant proposals and recommendations on the subject.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss11/S-pp132-138>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Контрабанда жинояти бўйича тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Контрабанда жинояти,
терговга қадар текширув,
ушлаб туриш,
қўздан кечириш,
экспертиза,
шахсий тинтув,
олиб қўйиш,
тергов ҳаракатлари.

Мақолада контрабандага қарши курашиш долзарб масала эканлиги, бу ҳақда олимларнинг фикрлари, контрабандани аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, контрабанда жинояти бўйича терговга қадар текширув ўтказиш давомида амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари ҳамда терговга қадар текширувга жалб қилинган шахсларнинг процессуал мақоми ҳақида сўз юритилади ва тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

¹ Independent Researcher, Tashkent State University of Law. E-mail: shuhrat_mamatov91@mail.ru

Особенности проведения следственных действий по преступлениям контрабанды

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Контрабанда жинояти,
терговга қадар текширув,
ушлаб туриш,
қўздан кечириш,
экспертиза,
шахсий тинтув,
олиб қўйиш,
тергов ҳаракатлари.

В статье рассмотрены актуальные проблемы в сфере противодействия контрабанде, а также мнения ученых по данному направлению, также указаны проводимые работы по выявлению контрабанды, следственных действиях, проводимых в ходе доследственной проверки по факту выявления преступления контрабанды, а также о процессуальном статусе лиц, участвующих в доследственной проверке, расследовании и привлечении к ответственности за совершение преступления контрабанды, а также внесены соответствующие предложения и рекомендации.

КИРИШ

Бугунги кунда дунёнинг турли жойларида, қарама-қаршилик ва кескинлик тобора кучайиб, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафик ҳамда бошқа хавф-хатар ва таҳдидлар барчамизни хавотир ва ташвишга солмасдан қўймайди. Мана шундай ўта мураккаб вазият барчамиздан аввало огоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлишни талаб қилмоқда.

Шу маънода ҳозирги даврнинг ўзи Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари олдида божхона чегарасида божхона назорати самарадорлигини янада ошириш, контрабанда ашёларини ноқонуний равишда олиб ўтилиши, биринчи навбатда, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар, қурол-яроғ, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларнинг олиб ўтилишини олдини олиш каби ўта масъулиятли вазифани кўндаланг қилиб қўймоқда.

Шунингдек, Жаҳон божхона ташкилоти ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти доирасида қабул қилинган “Жаҳонда савдони енгиллаштириш ва хавфсизликнинг ҳадли стандартлари”нинг энг асосий талабларидан бири контрабанда ашёларининг ноқонуний ҳаракатини аниқлаш, олдини олиш ва чек қўйиш вазифасини бажариш чоғида божхона органларидан халқаро савдо, юк ва йўловчи ташиш жараёнларига минимал даражада аралашиб орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини самарали таъминлаш талаб этилади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Бугунги кунда кенг тарқалган ва Ўзбекистоннинг нафақат иқтисодий, балки жамоат хавфсизлигига ҳам таҳдид қилаётган жиноятлардан бири контрабанда жиноятидир. Контрабанда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятларнинг марказий бўғинларидан бири ҳисобланади. Контрабанда жиноятини фош этиш, жиноятчиларни топиш ва уларга муносиб жазолар берилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи ходимлари муайян кўникма ва малакаларини мунтазам ошириб бормоқдалар.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётган ушбу кунларда, божхона органлари ҳам мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, давлат бюджетини тўлдириш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товар-моддий бойликларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши ва контрабандага қарши курашиш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳар қандай жамият ўзига хос ривожланиш йўлини танлар экан, олдига муайян мақсад ва вазифаларни қўяди. Зеро, бу вазифалар жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маърифий, таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади. Инсон ҳеч қачон ташқи дунёдан, ўзини қуршаб олган оламдаги ўзгаришлар, рўй бераётган ҳодисалар, воқеа жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Халқлар, миллатлар, ижтимоий-сиёсий кучлар фаолиятида содир бўлган турли мазмундаги ҳодиса ва жараёнлар, айниқса ғоявий ҳамда мафкуравий омиллар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунида божхона органларига юклатилган бошқа вазифалар қаторида, божхона тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонунчилик бузилишларининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш божхона органлари фаолиятининг энг муҳим функция ҳамда йўналишларидан бири ҳисобланади.

Контрабанда – латинча “сонтра” – “қарши”, “бандо” – “ҳукумат фармони” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “Ҳукумат фармонига қарши”, деган маънони англатади.

Қонун чиқарувчи томонидан қуйидаги ижтимоий хавфли қилмиш контрабанда жинояти сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, контрабанда деганда божхона назоратини четлаб ўтиш божхона назоратидан яшириб ўтказиш божхона ҳужжатлари ёки воситаларга ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурулғи, ўқ-дориларни ёки ўқотар қурулғининг асосий қисмларини, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказиш [1] тушунилади.

Илмий адабиётларда, контрабанда тушунчасига берилган турлича таърифлар учрайди. Хусусан, контрабандага қарши кураш муаммоларининг таниқли тадқиқотчиси проф. Ю.И. Сучковнинг фикрича, эркин муомалада бўлган товарлар ва бошқа предметларни божхона чегарасидан ғайриқонуний олиб ўтишнигина контрабанда деб ҳисоблаш ўринли эканлигига тўхтаб ўтган [2].

Шунингдек, С.А. Сирма ҳам у иқтисодий контрабанда, одамлар контрабандаси, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган предметларни ғайриқонуний олиб ўтишни ажратиш лозим деб ҳисоблайди [3].

А.И.Чучаев ва С.Ю.Иванова божхона жиноятларини алоҳида гуруҳга ажратиш билан бир қаторда, уларнинг турдош объекти бир эканлигига асосланган ҳолда, божхона жинояти тушунчасига таъриф берадилар. Уларнинг фикрича, контрабанда божхона жинояти сифатида “божхонанинг товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказишни таъминлаш борасидаги фаолияти”га тажовуз қилади [4].

ТАҲЛИЛ ВА МУҲОКАМАЛАР

Божхона органи ходимлари ушбу жиноятга қарши курашишда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият олиб борадилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–442-сонли, 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2-сон Қарори, Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қайд этиш, уларни ходимлар ўртасида тақсимлаш ҳамда терговга қадар текширувни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 203-сонли буйруғи ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилиниб амалиётда кенг фойдаланилиб келинмоқда.

Хусусан, “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” стратегиясининг тўртинчи устувор йўналиши мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 мартда “Давлат божхона хизмати органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–57-сонли Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришда божхона ходимлари контрабанда ашёларини божхона чегарасидан олиб ўтилишига қарши курашиш орқали ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Божхона қўмитаси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига путур етказишга қаратилган криминал гуруҳларни аниқлаш ва уларни жиноий ҳаракатларини олдини олиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Божхона хизмати ходимлари томонидан кўп миқдорда гиёҳвандлик воситалар, кучли таъсир қилувчи, психотроп моддаларнинг таблеткалари ва ампулалари, ўқотар қуроллари ва ўқ-дорилар, диний ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар ушланиб, содир этилиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олди олинмоқда.

Хусусан, 2024 йил давомида Божхона органлари томонидан қўзғатилган 1033 та жиноят ишларининг 246 таси Жиноят кодексининг 182-моддаси билан, 313 таси 246-моддаси билан, 474 таси бошқа моддалар билан боғлиқ.

2025 йилнинг 10 ойида эса Божхона органлари томонидан қўзғатилган 871 та (*ўтган йилнинг шу даврида 869 та*) жиноят ишларининг 251 таси (*202 та*) Жиноят кодексининг 182-моддаси билан, 298 таси (*251 та*) 246-моддаси билан, 322 таси (*416 таси*) бошқа моддалар билан боғлиқ. Қўзғатилган жиноят ишлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 тага ортган [5].

Божхона органлари ЖПКнинг 39¹-моддасига мувофиқ, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик билан боғлиқ жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар юзасидан терговга қадар текширувни амалга оширади. Божхона органлари зиммасига зарур чоралар қўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ЖПК қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар қўриш вазифаси юклатилади. ЖПКнинг 329-моддаси 2-қисмига кўра, терговга қадар текширув давомида шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат берилган, бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинган [6].

Контрабанда ҳолати бўйича терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб боришда ашёлар, ҳужжатлар ва изларни ўз вақтида аниқлаш, олиб қўйиш ва қайд этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу нарсага эса, кўздан кечириш орқали эришилади. Кўздан кечириш шунингдек, содир этилган жиноят бўйича версиялар (тахминлар) ишлаб чиқиш, унинг содир этилиш механизми, иштирокчилари, жиноятчининг шахси ҳақида бошланғич маълумот олиш ҳамда унинг қидирувини ташкил этиш ва бошқа тезкор қидирув чора-тадбирларини амалга ошириш имконини беради.

Контрабанда ашёларини божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтишнинг барча ҳолатларида тегишли экспертизалар тайинланади.

Экспертиза ўтказиш орқали, айнан қандай контрабанда ашёларини ноқонуний олиб ўтишга уринилгани, уларнинг миқдорий ва сифат хусусиятлари аниқланади. Контрабанда жиноятига оид ишлар бўйича кимёвий, криминалистик, дактилоскопик, баллистик, трасологик, хатшунослик, материаллар, моддалар ва бошқа экспертизалар ўтказилади.

Контрабанда ҳолатини аниқлаган божхона ходимининг дастлабки хатти-ҳаракатлари ҳуқуқбузарни қўлга олиш, контрабанда ашёларини олиб қўйиш ва аниқланган ҳолатни расмийлаштиришга қаратилиши лозим.

Бунда ашёвий далил сифатида олинган нарса ва ҳужжатларни, аниқланган хуфиёна жойларни, шахсий кўрикдан (гувоҳлантиришдан) ўтказилаётган шахснинг ҳис-туйғуларини, у томондан қилиниши мумкин бўлган ҳақоратлар, дўқ-пўписалар, жисмоний таъсир чоралари, пора беришга ҳаракат қилиниши, контрабандани бошқа усулда амалга оширишга уринишларни қайд этиш мақсадида техникавий усуллар (фото-видео тасвирга тушириш, овоз ёзиш ва ғ. к.) қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда техникавий усулларнинг қўлланилиши ҳақиқатни аниқлашга ва божхона ходимларини бўхтонлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Жиноят иши кўзғатилгунга қадар, ушлаб туриш тартиби ЖПКнинг 224-моддасида кўрсатилган бўлиб, ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутилиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув қилишга ва тинтув натижасида топилган нарсаларни олиб қўйишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш тўғрисидаги баённома, ушланган шахс божхона, ички ишлар ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага келтирилганидан сўнг, ҳолислар иштирокида тузилиши мумкин.

Шахсни ушлаб туриш муддати 48 соатни ташкил этади, бироқ ЖПКнинг 225-моддасига асосан ушланган шахс ушлаб келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши лозимлиги белгиланган. Терговга қадар текширув давомида сўроқ тергов ҳаракатини ўтказиш тақиқланган.

Аслида, терговга қадар текширув босқичи – кичик тергов ҳисобланади, яъни терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида тўпланган далиллар келгусида жиноят иши юзасидан айбловни эълон қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, терговга қадар текширув ҳаракатларига жалб этилган шахс процессуал мақомга эга ҳисобланмайди. Чунки қонунчилик нуқтаи назаридан олганда текширув қайсидир бир шахсга нисбатан эмас, балки жиноятга оид хабар ҳолати юзасидан олиб борилади. Яъни, жиноят ҳодисаси ва унинг белгилари мавжудлиги текширилади. Бироқ, бу мансабдор шахс айбдорни аниқлашга интилмайди дегани эмас. Балки, ўтказиладиган барча терговга қадар текширув ҳаракатлари айбдорни аниқлашга, шунингдек, жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар базасини мустаҳкамлашга қаратади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан гумон остига олинган шахс гумон расман эълон қилинмасдан туриб, терговга қадар текширув ҳаракатларига чақирилган ва ҳали ўзига нисбатан гумон ёки айблов эълон қилинмаган ҳолатда бўлади *(гувоҳ жиноий ишга жалб этилади, шу сабабли бу шахснинг ҳуқуқий мақомини гувоҳники билан адаштириш керак эмас)*.

Суд-тергов амалиёти терговга қадар текширув ҳаракатларида кенг доирадаги шахслар, хусусан, аризачи, жабрланувчи, жиноятга оид хабар ўзига нисбатан текширилаётган шахс, айби мавжуд бўлган шахс, мутахассис, жабрланувчининг вакили, таржимон, холис, текширилаётган иш юзасидан бирор-бир ҳолат унга маълум бўлган шахс ва бошқалар иштирок этиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Аммо уларнинг бирортаси ҳам жиноят-процессуал қонун билан тартибга солинган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарурий ва етарли мақомга эга эмас. Юқорида санаб ўтганларимиз эса шахсларнинг жиноят иши қўзғатилгандан сўнг эга бўлинадиган процессуал мақомларидир.

Хорижий давлатлар қонунчилигидаги тажрибада эса, уларда жиноят процессининг ушбу босқичи алоҳида боб сифатида назарда тутилмаган бўлсада, ушбу масала миллий қонунчиликка нисбатан мукамалроқ тартибга солинганлигига гувоҳ бўламиз, яъни терговга қадар текширув давомида ўтказилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар доираси кенгроқ ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига асосан терговга қадар текширув давомида амалга ошириш мумкин бўлган тергов ҳаракатларидан ташқари, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига кўра, терговга қадар текширув давомида ҳужжатлар ва предметларни талаб қилиш ҳамда олиб қўйиш, текшириш учун намуналар олиш, гувоҳлантириш, юзлаштириш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга ҳам руҳсат берилган [7]. Шунингдек, Беларус Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ҳам терговга қадар текширув босқичида ҳужжатлар ва предметларни талаб қилиб олиш, текшириш учун намуналар олиш, гувоҳлантириш, юзлаштириш, мурдани эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ҳам ўтказишга руҳсат этилган [8].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига хорижий давлатлар қонунчилигидаги илғор тажриба ҳамда олимлар томонидан берилган фикрларни инобатга олган ҳолда қуйидагича такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўларди:

биринчидан, терговга қадар текширувни амалга оширувчи субъектларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини аниқ белгилаш, шунингдек терговга қадар текширувда қатнашувчи барча процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш;

иккинчидан, терговга қадар текширув суриштирув ва дастлабки тергов каби жиноят процессининг алоҳида босқичи ҳисобланишини инобатга олиб, мазкур институтни ЖПКда алоҳида боб сифатида тизимлаштирилган ҳолда тартибга солинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://lex.uz/uz/docs/111453>
2. Сучков Ю.И. Защита внешне экономической деятельности Российской Федерации по уголовному законодательству (проблемный аспекты и законодательства). Дисс...докт. юрид. наук. – СПб, 1997.- С. 39.
3. Сирма С.А. Борба с организованный преступной деятельностью в сфере таможенного контроля (уголовно-правовой и криминологический аспекты): Дисс....канд. юрид. наук. – М., 1999-7, 124-125 с.
4. Чучаев А.И. Таможенные преступления в новом УК РФ / Чучаев А.И., Иванова С.Ю. // Государство и право. 1998. №11. – 41-43-с.
5. 2023 йил 11 ойида божхона органларида суриштирув ва маъмурий амалиёт йўналишида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/uz/docs/111460>
7. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации (18 декабря 2001г. №74-ФЗ).
8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь (16 июля 1999г. №295-3).